

ЛУҚМОН МУСУЛМОН ЎҒЛИ

СОҒИНГАН
ЮРАКЛАРГА
МАЛҲАМ БЎЛАЙИН

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2011

УДК:

ББК: 84(5Ўзб)7

Л-90

Луқмон Муслмон ўғли.

Соғинган юракларга малҳам бўлайин. –Т.: «Янги аср авлоди»,
2011. – 72 б.

ISBN 978-9943-08-702-6

Луқмон Муслмон ўғлининг ушбу китобига муҳаббат, садоқат,
меҳр-оқибат, диёнат мавзусидаги шеърлари жам бўлган. Шеърлар
синчков китобхонга манзур бўлади, деган умиддамиз.

УДК: 821

ББК: 84(5Ўзб)7

ISBN 978-9943-08-702-6

© Луқмон Муслмон ўғли, «Со-
ғинган юракларга малҳам бўлайин».
«Янги аср авлоди», 2011 йил.

СЎЗБОШИ

*Шеър азиз олам аро, Онажоним Шеърят.
Шеър кўп, аммо шоир-чи?*

Шеър тирик жондек улуғдир! Сўзга баланд мавқе берувчи аъмол шеърдир! Нафосатни давр қоғозларига муҳрловчи ҳам шеърдир. Энг муқаддас дostonларни омон сақлаб қолган ҳам у – шеърдир. Кўшиққа маъно берувчи ҳам шеърдир. Ҳатто Ислом мафкураси ўз бош китобини шеърда битди. Шундай шоирлар бўладики, уларнинг шеърларини одамлар интиқиб кутади, уларни жон озиғи билан тинглайди, тинглайдигина эмас, ёдлаб олиб, ўзининг доимий ҳамроҳига айлантиради. Чинакам шоирнинг шеъри одамларнинг маънавий ҳаётига сингиб кетади. Бундай шоирлар сон жиҳатидан кўпчиликни ташкил қилмаса-да, уларнинг шеърлари халқнинг маънавий савиясини белгилайди.

*Эй, зот ханжар билан сен дам талашма,
Олам уйиндасан, олам талашма.
Менинг ўз дардимдир элимнинг дарди,
Ўз дардинг бўлмаса, қалам талашма.*

Мен Луқмонжоннинг дастлаб тақдим этган шеърларини кўриб чиқиб, муайян фикрлар билдирган эдим. Энди ёш ижодкоримиз халқ ижодиёти, фольклор мавзуларидан ҳам баҳраманд бўлаётгани сезилади.

Луқмонжон энди ўтган асрлар ва янги Европа халқлари хазиналари билан танишса, ижодида кескин бурилишлар юз беради.

Изланиш, изланиш! Бу салоҳият, бу иқтидор ижод борасида янги кашфиётлар сари етаклайди. Доим бу йўлда пирларимиз мадаккор бўлсин.

*Омон МАТЖОН,
Ўзбекистон халқ шоири.*

ДУО ОЛМАСАМ

Эй, воҳ, бунча толеим қора бўлмаса,
Тиконлардек юрак-бағрим ўймаса,
Ғанимларим маломат тош отмаса,
Шундай бахтга етармидим, Онажон.

Ошиқ бўлсам, бўлдим ойдек малакка,
Лек изтироб бердим қондек юракка,
Етганимда балки шундай тилакка,
Гулдай бахтга етармидим, Онажон.

Баъзан шайтон тўсганида йўлимни,
Гуноҳларга урганимда қўлимни,
Ечганимда балки ғафлат тўнимни,
Тоғдек тахтга етармидим, Онажон.

Зулмат тунни ёритмасам ой бўлиб,
Қуёш каби таралмасам нур бўлиб,
Лоақал дардим енголмасам шеър бўлиб,
Луқмон бўлиб юармидим, Онажон.

Қўшиқларим ичра нолам янграса,
Куйга солиб ҳофиз фарёд урмаса,
Бошим силаб отам болам демаса,
Бахтни қучиб яшармидим, Онажон.

Шукур дейман, ўз юртимда ўзим бек,
Ота-онам икки қаро кўзимдек,
Соябоним, дилимдаги сўзимдек,
Дуо олмай, мен ким эдим, Онажон.

УСТОЗНИ ХОТИРЛАБ

Орзулари армонларга туташган,
Лолаларга руҳи парвона бўлган.
Соддалиги ўзига хўп ярашган,
Бу дунёга сиғмай қолган Муҳаммад.

Шаробдайин ғамни ютган чоғида,
Қоғозлардан гуллар унган боғида.
Юрса бўлмасмиди эл ардоғида,
Бу дунёга сиғмай қолган Муҳаммад.

Қизларини бахтин кутар у қайда,
Юлдуз бўлиб нур таратар самода.
Фарёд, алла айтар бойчечак ойда,
Бу дунёга сиғмай қолган Муҳаммад.

Содда она кўрди қизлар тўйини,
Дуо айлаб тўлдирдилар кўнглини.
Самолардан тилар улар бахтини,
Бу дунёга сиғмай қолган Муҳаммад.

Дерди: – мени эслаб сира йиғламанг,
Қабрим узра юрак бағрим тифламанг.
Соғинч ёшим тўкилганда индаманг,
Ёруғ дунё кўп кўрдими Муҳаммад.

Муҳаммаднинг Юсуфлиги шундадир,
Қалам бирла дардни олган ондадир.
Ўз халқига эзгуликни бахш этиб,
Бу дунёга сиғмай қолган бандадир.

ЎҒЛИН ИЗЛАБ КЕЗАР ОНА

Бу дунё бир ғурбатхона,
Кимдир безар, ким парвона.
Минг изтироб ичра яна,
Ўғлин излаб кезар она.

Бор шодлигу кулгуларни,
Унутгандир – қалби пора.
Овутгандай соғинчларни,
Ўғлин ўйлаб кезар она.

Кўзлар тўла жиққа ёшдир,
Йиғламас дер ўғил бола.
Кўрганлари унга ошдир,
Ўғлин излаб кезар она.

Гоҳ адашиб ё янглишиб,
Кечмишидан излар чора.
Ғафлат қолса ҳам чирмашиб,
Ўғлин излаб кезар она.

Дийдоридан диллар ёна,
Меҳр тўлмай фурсат яна.
Борингга ҳам шукур дея,
Ўғлин излаб кезар она.

ТЕНГИ ЙЎҚДИР ТАЪРИФИГА

Бу кўнглим бир китобдир,
Ёйсам жаҳонга сиғмас.
Ҳар кўрганим хитобдир,
Ёзсам қаламлар етмас.

Нелар қилсам дунёда,
Эзгуликдан бўлакмас,
Битиб баъзан қоғозда,
Ёзсам қаламлар етмас.

Не қилдим мен Ватанга,
Шеърдан бўлак жасорат.
Номин ўйиб бу танга,
Ёзсам таърифлар етмас.

Ё меҳрибон онамга,
Кўрсатдимми каромат?!
Ҳамлард бўлиб ноламга,
Ёзсам қаламлар етмас.

Бироқ ота-онамга,
Ёру дўстлар, инимга.
Муқаддас бу Ватанга,
Ёзсам қаламлар етмас.

НЕГА

Шеърлар битсам, ёқмаса сенга,
Шодлигимда бўлмасанг бирга,
Муҳаббатинг шумиди менга,
Айт-чи гулим, алдадинг нега?

Тақдир бизни учраштиргандек,
Айро этди ким хоҳлагандек,
Бу ёлғончи дунё дегандек,
Айт-чи гулим, алдадинг нега?

Яшайман мен хаёлларингда,
Ё ўткинчи дунёларингда,
Эслайман ҳар шому тонгда,
Айт-чи, севгинг совғами менга?

Сочларингни силамоқ учун,
Қўлим етмас севгилим бугун.
Ошиқ диллар айрилиқ нечун,
Айт-чи гулим, алдадинг нега?

Нелар келса тақдирга бурдик,
Гоҳ ташвишу ғурбатда юрдик.
Айрилганда, оҳ, жондан тўйдик,
Айтсин диллар, алдандик нега?

УЛКАН ТОҒИМ

Осмонимни қора булут қопласа,
Юрагимни дардлар билан қийнаса.
Орзуимни пора қилиб топтаса,
Суянганим, улкан тоғим – Отам бор.

Мақсадимга етмоқ учун йўқ чорам,
Ҳеч бўлмаса тинглар маҳзунли нолам.
Қўлларини дуога очиб Онам,
Суянганим, улкан тоғим – Отам бор.

Кези келса сўз айтолмай имлаган,
Кўздан келса ёш артолмай йиғлаган.
Эзгуликни юрагимга жойлаган,
Суянганим, улкан тоғим – Отам бор.

Кўзимда ёш, битмоқдаман бугун шеър,
Соғинчлардан қучмоқдаман унсиз ер.
Номард мардни буколмайди билсанг дер,
Суянганим, улкан тоғим – Отам бор.

Шукур дейман, минг тасаннолар сизга,
Қимлигимни англаган бу – сиз менга.
Икки неъмат ёнимдадур, бахт шу-да,
Суянганим, улкан тоғим – Отам бор.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/2309> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/2309> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/2309>